

**ЎЗБЕКИСТОН ҚОНУНЧИЛИГИ
ТАҲЛИЛИ**

UZBEKISTAN LAW REVIEW

**ОБЗОР ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВА
УЗБЕКИСТАНА**

ИЛМИЙ ТАҲЛИЛИЙ ЖУРНАЛ	SCIENTIFIC ANALYTICAL JOURNAL	НАУЧНО АНАЛИТИЧЕСКИЙ ЖУРНАЛ
--------------------------------------	--	--

**2024
№1-2**

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ

БОШ МУҲАРРИР:

Гулямов Саид Саидахарович – юридик фанлари доктори, профессор.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ АЪЗОЛАРИ:

Рустамбеков Исламбек Рустамбекович – ю.ф.д., профессор.

Ҳўжаев Шохжон Акмалжон ўгли – юридик фанлар бўйича фалсафа доктори.

Оқюлов Омонбой – ю.ф.д., профессор.

Эргашев Восит Ёкубович – ю.ф.н., профессор.

Махкамов Отабек Мухтарович – ю.ф.д.

Суюнова Дилбар Жолдасбаевна – ю.ф.д., доц.

Мусаев Бекзод Турсунбоевич – ю.ф.д., доц.

Беков Ихтиёр – ю.ф.д., проф.

Бозоров Сардор Сохибжонович – ю.ф.д., проф. в.б.

Хазратқулов Одилбек Турсунович – юридик фанлари номзоди, доцент.

Самарходжаев Ботир Билялович – ю.ф.д., профессор.

Ходжаев Бахшилло Камалович – ю.ф.д., профессор.

Нарзиев Отабек Саъдиевич – ю.ф.д., проф. в.б.

Жолдасова Шахноза Батировна – юридик фанлар бўйича фалсафа доктори.

Маълумот олиш учун куйидагиларга мурожаат этиш сўралади:

Гулямов Саид Саидахарович,
Рустамбеков Исламбек Рустамбекович
ТДЮУ, Халқаро хусусий ҳуқуқ кафедраси,
Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., 100047,
Сайилгоҳ кўчаси, 35. Тел: 233-66-36

"Ўзбекистон қонунчилиги таҳлили"нинг электрон нусхаси Интернетдаги www.library-tsul.uz ёки www.lawreview.uz сайтида жойлаштирилган.

Журнал 2013 йилдан Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамасининг Олий Аттестация
комиссияси журналлари рўйхатига киритилган.

Ушбу журналда баён этилган натижалар, хулосалар, талқинлар уларнинг муаллифларига тегишли бўлиб, Ўзбекистон Республикаси ёки Тошкент давлат юридик университети сиёсати ёки фикрини акс эттирмайди.

2023 йилда нашр этилди.

Муаллифлик ҳуқуқлари Тошкент давлат юридик университетига тегишли. Барча ҳуқуқлар ҳимояланган. Журнал материалларидан фойдаланиш, тарқатиш ва қўлайтириш Тошкент давлат юридик университети рухсати билан амалга оширилади. Ушбу масалалар бўйича Тошкент давлат юридик университети мурожаат этилади. Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., 100047, Сайилгоҳ кўчаси, 35.

ISSN 2181-8118

Масъул котиб: **И. Рустамбеков**

Наشريёт муҳаррири: **Н. Ниязова**

Техник муҳаррир: **Д. Козимов**

Лицензия № 02-0074

Босишга рухсат этилди – 30.06.2024

Наشريёт ҳисоб табоғи – 5

«IMPRESS MEDIA» босмаҳонасида босилди

Адади – 100 нусха.

ИЛМИЙ-ТАҲЛИЛИЙ
ЖУРНАЛ

1-2/2024

МУНДАРИЖА

Б.Акмалхонов Международно-правовые гарантии защиты собственности во время вооруженных конфликтов	5
М.Истамов Ўзбекистонда сайлов жараёни иштирокчилари ва уларни мақомига оид қонунчиликнинг шаклланиш босқичлари.....	7
М.Турдалиев Legal issues of intellectual property law in digital era: key legal issues and digital landscape	11
Ш.Муродуллаев Текущее состояние накопительной пенсионной системы в Узбекистане: анализ и заключения	15
Д.Аликулов O'zbekistonda inklyuziv ta'limni huquqiy asoslari takomillashtirish masalalari	17
М.Тургунбоева Intellektual mulkda mualliflik huquqini tartibga solish tendensiyalari: nazariy va amaliy tahlil.....	20
Д.Авезов Маҳаллий кенгаш депутатининг ваколатини муддатидан илгари тугатишга оид қарашларнинг ҳуқуқий таҳлили	24
А.Норкулов Виртуал оламнинг янги объекти сифатида эмодзилар ва уларни ҳуқуқий тартибга солишнинг аҳамияти	28

Истамов Махмуд Шухратович,
Тошкент давлат юридик
университети мустақил изланувчиси,
E-mail: istamov79@gmail.com

ЎЗБЕКИСТОНДА САЙЛОВ ЖАРАЁНИ ИШТИРОКЧИЛАРИ ВА УЛАРНИ МАҚОМИГА ОИД ҚОНУНЧИЛИКНИНГ ШАКЛЛАНИШ БОСҚИЧЛАРИ

Аннотация: Ушбу мақолада муаллиф Ўзбекистонда сайлов қонунчилигини шаклланиши ва ривожланиш босқичлари, сайлов жараёни иштирокчиларининг ҳуқуқий мақоми тадқиқ қилган. Сайлов қонунчилигини босқичма-босқич ўзгариши энг аввало миллий сайлов қонунчилигини халқаро стандартларга мослаштириш, халқаро демократик амалиётни жорий қилиш, фуқароларнинг сайловнинг асосий иштирокчиси сифатида тан олиш тенденцияларида намоён бўлади. Сўнги йилларда дунё тажрибасида кузатилаётган сайлов жараёнида рақамли технологиялардан фойдаланиш, сайлов жараёни иштирокчиларини ҳуқуқларини таъминлаш тенденциялари ҳам Ўзбекистон сайлов қонунчилигида йилдан-йилга ўз аксини топаётганлигини таҳлил қилинган. Муаллиф сайлов соҳасидаги қонунчиликни ривожланишини шартли равишда олти босқичга ажратиб, ҳар бир босқични ўз давридаги демократик ўзгаришларга бўлган эҳтиёжга монанд ва фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятидан келиб чиққан ҳолда шаклланишини қайд этган.

Калит сўзлар: сайлов ҳуқуқи, сайлов жараёни иштирокчилари, референдум, сайлов комиссиялари, мажоритар сайлов тизими, пропорционал сайлов тизими, рақамли технологиялар.

Аннотация: В данной статье автор изучил этапы становления и развития избирательного законодательства в Узбекистане, правовой статус участников избирательного процесса. Постепенное изменение избирательного законодательства выражается, прежде всего, в стремлении адаптировать национальное избирательное законодательство к международным стандартам, внедрить международную демократическую практику, признать граждан главными участниками выборов. Проанализировано, что за последние годы наблюдаемые в мировом опыте тенденции использования цифровых технологий в избирательном процессе и обеспечения прав участников избирательного процесса из года в год находят отражение в избирательном законодательстве Узбекистана. Автор условно делит развитие законодательства в сфере выборов на шесть этапов, отмечая, что каждый этап формировался исходя из необходимости демократических преобразований и правовой культуры граждан.

Ключевые слова: избирательные права, участники избирательного процесса, референдум, избирательные комиссии, мажоритарная избирательная система, пропорциональная избирательная система, цифровые технологии.

Abstract: In this article, the author studied the stages of formation and development of electoral legislation in Uzbekistan, the legal status of participants in the electoral process. The gradual change in electoral legislation is expressed, first of all, in the desire to adapt national electoral legislation to international standards, introduce international democratic practice, and recognize citizens as the main participants in elections. It is analyzed that in recent

years, trends in the use of digital technologies in the electoral process and ensuring the rights of participants in the electoral process, observed in world experience, are reflected in the electoral legislation of Uzbekistan from year to year. The author conventionally divides the development of legislation in the field of elections into six stages, noting that each stage was formed based on the need for democratic reforms and the legal culture of citizens.

Keywords: voting rights, participants in the electoral process, referendum, election commissions, majoritarian electoral system, proportional electoral system, digital technologies.

I. Кириш

Ўзбекистон янгиланмоқда, шу билан бирга халқимизнинг онгу-шуури ўзгармоқда. Кўпчилигимиз йиллар мобайнида атроф муҳитда юз бераётган ўзгаришларга томошабин сифатида турган бўлсак, бугунги кунда аксариятимиз эндиликда воқеаларнинг реал иштирокчисига айландик. Янги Ўзбекистонда фуқароларнинг сиёсий фаоллиги, яратувчанлик руҳида яшаши ҳар бир инсон учун ҳаёт тақозаси, ижтимоий заруратга айланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан Олий Мажлисга Мурожаатномасида қайд этилган “Олдинга, фақат олдинга қараб борамиз. Ва биз бунга ҳар томонлама қодирмиз. Чунки бугунги халқимиз – кечаги халқ эмас. Бугунги Ўзбекистон ҳам – кечаги Ўзбекистон эмас” деган фикрлар Ўзбекистонни демократик ислохотлар йўлидан ҳеч қачон ортга қайтмаслигини кўрсатиб беради.

Сайлов жараёнлари каби уни тартибга солувчи қонунчилик ҳам динамик равишда ўзгарувчан ва доимий равишда такомиллашувчи соҳа саналади. Қайд этиш керакки, ўтган сайловларда тўпланган тажриба, миллий ва халқаро экспертларнинг таклифи ҳамда тавсиялари асосида сайлов қонунчилигимиз ҳам доимий равишда такомиллашиб бормоқда.

Ўзбекистонда сайлов жараёни иштирокчиларининг ҳуқуқий мақомига оид қонунчиликни шаклланиш ва ривожланишига эътибор қаратсак, ушбу соҳадаги қонунчилик ўша даврдаги демократик ўзгаришларга бўлган эҳтиёжга монанд ва фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятидан келиб чиққан ҳолда босқичма-босқич шаклланишини кузатиш мумкин.

Шу боис ҳам, миллий ҳуқуқшунос олимларимиз ҳам сайлов жараёни иштирокчиларининг ҳуқуқий мақоми такомиллашув жараёнларини турли даврларга бўлиб ўрганишга ҳаракат қилганлар. Жумладан, Ш.Якубов ва Х.Абдурахмановлар миллий сайлов қонунчилигимизнинг такомиллашиб боришини қуйидаги босқичларга бўлади: биринчи босқич – 1991 – 2000 йиллар; иккинчи босқич – 2001 – 2010 йиллар; учинчи босқич – 2011 йилдан то Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодекси қабул қилунгунга қадар.

II. Тадқиқот натижалари

Биз миллий сайлов қонунчилиги, уни шаклланишининг ўзига хослиги ва олимларнинг тадқиқотларини таҳлили асосида Ўзбекистонда сайлов

жараёни иштирокчилари ҳуқуқий мақомига оид қонунчиликнинг шаклланиши ва ривожланишини қуйидаги асосий олти босқичга ажратган ҳолда таҳлил этиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз:

Биринчи босқич – “Миллий сайлов қонунчилигининг шаклланиши” (1991-1995 йй.) – мустақил Ўзбекистон сайлов институтининг ташкил этилиши ва соҳага оид дастлабки ҳуқуқий асосларни яратиш даври. Ушбу давр Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қабул қилиниши, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови ҳамда бир палатали Олий Мажлисни кўппартиявийлик асосида шакллантириш билан боғлиқ даврни ўз ичига олади.

Ушбу даврда “Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида”ги (1991 йил 18 ноябрь), Ўзбекистон Республикаси Конституцияси (1992 йил 8 декабрь), “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловлар тўғрисида”ги (1993 йил 28 декабрь), “Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида”ги (1994 йил 5 май), “Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги (1994 йил 5 май) қонунларнинг қабул қилиниши билан умумэтироф этилган принциплар орқали кўппартиявийликка асосланган муқобил сайловларни ташкил этишнинг дастлабки ҳуқуқий базаси яратилди.

Иккинчи босқич – “Сайловларнинг институционал асосларини кучайтириш” (1995-2002 йй.) – миллий сайлов қонунчилиги асосида ўтказилган парламент сайловларида тўпланган амалий тажрибага мувофиқ сайлов тизимининг демократик асосларини мустаҳкамлашга қаратилган қонунларни қабул қилиш каби тадбирларни ўз ичига олган даврни ташкил қилади.

Ушбу даврда сайловларни тизимли ташкил этиш ва унинг натижаларини аниқлашда ҳолисликни таъминлаш мақсадида “Ўзбекистон Республикасининг Марказий сайлов комиссияси тўғрисида”ги (1998 йил 30 апрель) Қонун қабул қилинди ва мамлакатимиз тарихида илк бор демократик йўл билан Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тузилди.

Бундан ташқари, ушбу босқичда депутатликка ташаббускор гуруҳлардан номзодларни илгари суришни кенгайтириш, Ўзбекистонда кўппартиявийлик ва сиёсий фикрлар хилма-хиллигини кучайтиришга кенг шарт-шароитлар яратишга қаратилган қонунчилик нормалари ҳам қабул қилинган.

Мазкур босқичда сайлов жараёнининг муҳим субъектлари саналган сиёсий партиялар фаолиятини ҳуқуқий тартибга солувчи Ўзбекистон Республикасининг “Сиёсий партиялар тўғрисида”ги Қонунининг 1996 йилнинг декабрида қабул қилиниши билан 1999 йилда ўтказиладиган парламент сайловларига янги ҳуқуқий замин яратилди.

Ушбу қонунни қабул қилиниши натижасида “сиёсий партияларнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида ўз сиёсатини уюшган ҳолда ўтказиш имконини беришга қаратилган сиёсий партияларнинг

Олий Мажлисидаги фракцияларини ташкил этишнинг қонуний кафолатлари вужудга келди” .

Яна бир муҳим янгилик бу сиёсий партияларнинг сайлов тартиб-таомилларига риоя қилинишини назорат этиш бўйича ваколатлари кенгайтириш ва номзод кўрсатган сиёсий партия ҳар бир сайлов участкасига ўз кузатувчисини тайинлаш ҳуқуқига эга бўлди.

Учинчи босқич – “Парламент ислохотлари (икки палатали парламентга ўтиши) муносабати билан сайлов қонунчилигининг ўзгариши” (2002-2009 йй.) – фаол демократик ислохотлар, олий вакиллик органларига бўладиган сайлов тартиб ва қоидаларининг конституциявий нормалар даражасида мустаҳкамланиш даври.

Сайлов қонунчилигининг мазкур даври 2002 йил 27 январда ўтказилган умумхалқ референдуми натижаларига кўра ҳамда унинг асосида Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 24 январидан қабул қилинган қонунга мувофиқ Конституциянинг 117-моддасига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши билан бошланган.

2002 йилги умумхалқ референдуми яқунларига кўра учта конституциявий қонунлар қабул қилинди. Булар жумласига, “Референдум яқунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида” ги , “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида”ги , “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида”ги Конституциявий қонунлар шулар жумласидандир. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Конституциясига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди .

Ушбу ҳуқуқий ҳужжатлар, ўз навбатида, сайлов тўғрисидаги айрим қонунларни ҳам қайта кўриб чиқиш заруратини юзага келтирган. Хусусан, 2003 йилнинг 29 августидан “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида” ги Қонун янги таҳрирда қабул қилинди .

Муҳим ўзгаришларга кўра қуйи палата – Қонунчилик палатасини шакллантиришда партиявий вакиллик принципига устуворлик берилди. Сиёсий партия вакилларга ўз ижтимоий-сиёсий қарашлари ва сайловчилар манфаатларини ифодалаш учун кенг имкониятлар яратилди. Парламентнинг юқори палатаси – Сенат ҳудудий вакиллик органи сифатида эътироф этилди ҳамда унинг асосий таркиби поғонали сайловлар асосида шаклланиши конституциявий қонунда мустаҳкамлаб қўйилди .

2004 йил 30 апрелда “Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида”ги қонун эса партияларга сайловолди курашини фаол ва мазмунли тарзда ўтказишларига қўшимча имкон яратди .

Тўртинчи босқич – “Марказий сайлов комиссиясига конституциявий мақом берилиши” (2010-2017) – Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислон Каримов томонидан 2010 йилнинг ноябрь ойида қабул қилинган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик

жамиятини ривожлантириш концепцияси ва унинг доирасида қабул қилинган қонунлар Ўзбекистонда сайлов қонунчилигини такомиллаштиришнинг янги даврини бошлаб берган.

Жумладан, сайлов қонунчилигига сайловолди ташвиқотининг шакл ва усулларини аниқ белгилаш, сайлов кампаниясининг ушбу муҳим босқичини ўтказишда депутатликка номзодлар ва сиёсий партияларга тенг шароитлар яратиш механизмларининг самарадорлигини оширишга қаратилган қатор қўшимча ва ўзгартишлар киритилган. Сайловлар пайтида ошкораликни таъминлашнинг ҳуқуқий механизмлари такомиллаштирилган.

Ушбу даврга сайлов жараёни иштирокчиларининг ҳуқуқий мақомини белгилашга қаратилган навбатдаги муҳим янгиллик 2014 йилда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 117-моддасига киритилган тузатишлар билан боғлиқ. Ушбу ўзгартишларга мувофиқ, Президент сайловини, Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайловни, шунингдек, референдумни ташкил этиш ва ўтказиш учун, Олий Мажлис томонидан фаолиятининг асосий принциплари мустақиллик, қонунийлик, коллегиялик, ошкоралик, адолатлиликдан иборат бўлган Марказий сайлов комиссияси тузилиши конституциявий даражада белгилаб қўйилди.

Марказий сайлов комиссияси ўз фаолиятини доимий асосда амалга ошириши ҳамда ўз фаолиятида фақат Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, Ўзбекистон Республикасининг сайлов тўғрисидаги ва референдум тўғрисидаги қонунларига ҳамда бошқа қонунларига амал қилиши мустаҳкамланди. Шунингдек, ушбу моддада Марказий сайлов комиссияси аъзолари ва унинг Раисини сайлаш тартиби белгиланди. Ушбу даврга яна бошқа муҳим ўзгаришлар юз берди.

Бешинчи босқич – “Тарқоқ сайлов қонунчилигини кодификациялаш ва қонуности ҳужжатларини тизимлаштириш” даври (2017-2023 йй.) Ҳаракатлар стратегияси доирасида Сайлов кодексини қабул қилиниши билан мамлакатимизда сайлов қонунчилиги ривожланишининг янги бешинчи босқичи бошланди.

2019 йил 25 июнда қабул қилинган ва 103 та моддани қамраб олган Сайлов кодекси мамлакатимиз ҳаётида муҳим аҳамият касб этиб, мазкур кодекс асосида шу вақтга қадар амалда бўлган 26 та қонун ўз кучини йўқотди.

Ўзбекистон Республикасида сайловга оид муносабатларни тартибга солувчи ўндан ортиқ қонунлар қабул қилинганлигини инобатга олсак, уларни ягона кодекс сифатида тизимлаштириш фуқароларимизга муайян қулайлик туғдирди ва сайлов жараёнларига оид маълумотларни олишда ёрдам берди.

Қайд этиш зарурки, илмий жамоатчилик (Ҳ.Т. Одилқориев, И.Т.Тулътеев, Ш.У.Якубов ва бошқа олимлар) томонидан Ўзбекистон Республикасида Сайлов кодексини яратиш ғояси у қабул қилингунга қадар ҳам илгари суриб келинган.

Сайлов кодекси ягона комплекс ҳужжат тарзида сайловни амалга оширишга дахлдор барча масалаларнинг ҳуқуқий талқини, ечими ва тартибларини муфассал белгилаб берди. Бу соҳага оид қонун ҳужжатлари ўртасидаги номутаносибликлар, ихтилофлар ва тақорланишларни бартараф этишга кўмаклашди.

Шуни алоҳида қайд этиш зарурки, Ўзбекистон Республикасининг Сайлов кодекси ДИИХБнинг бир қатор аввалги тавсияларини ўз ичига олган ва сайлов қонунчилигини ЕҲХТ қоидалари, бошқа халқаро мажбуриятлар ва стандартларига яқинлаштиришга қаратилган янги нормаларни ҳам ўзида акс эттирди.

Хусусан парламентда депутатлик ўринларини сайловсиз, Экоҳаракат вакиллари учун квота асосида бериш тартиби бекор қилинган, овоз берувчилар сони жиҳатидан сайлов округлари тенглаштирилган, сайловчиларнинг бир нечта сиёсий партияни қўллаб-қувватлаб имзо қўйиш ҳуқуқи таъминланган ва бошқаларни кўрсатиб ўтиш мумкин.

Шунингдек, ДИИХБнинг тавсиялари асосида илк бор қамоқда сақлаш жойларида ушлаб турилган ҳамда қамоққа олинган, шунингдек, ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятлар содир этганлиги учун озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган шахслар овоз бериш ҳуқуқига эга бўлди.

2019 йил 26 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодекси кучга кирганидан сўнг, қонуности ҳужжатлари тўлиқ хатловдан ўтказилди. Хатлов натижасида ЎзР МСҚнинг қарорлари билан парламент ва маҳаллий кенгашлар сайловига оид Сайлов кодекси нормаларини амалиётга татбиқ этишга қаратилган 17 та низом ва йўриқнома ишлаб чиқилди ва тасдиқланди.

Яна бир муҳим ўзгариш маҳаллий сайлов комиссиялари фаолияти оптималлаштиришга қаратилди. Қонун билан халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашларига сайлов ўтказувчи округ сайлов комиссиялари институти тугатилиб ва уларнинг ваколатлари туман (шаҳар) сайлов комиссиялари зиммасига ўтказилди.

Бундан ташқари, хорижда истиқомат қилаётган Ўзбекистон фуқароларининг сайлов ҳуқуқи қонун билан кафолатлаш билан боғлиқ. Қонун билан Сайлов кодекси “Чет давлатларда турган фуқароларни сайловчилар рўйхатларига киритиш” номли махсус модда билан тўлдирилиб, унга кўра хорижда истиқомат қилаётган Ўзбекистон фуқароларини дипломатик ваколатхоналарнинг консуллик ҳисобида бўлиши ёки бўлмаслигидан қатъий назар сайловчилар рўйхатига киритиш тартиби, шунингдек чет давлатларда сайловчилар яшаётган ёки ишлаётган жойида кўчма қутиларда овоз беришнинг ҳуқуқий асослари яратилди.

Олтинчи босқич – “Ўзбекистоннинг янгиланган Конституциясининг қабул қилиниши муносабати билан сайлов ислохотлари” даври бўлиб, у 2023 йилдан ҳозирги кунга қадар бўлган даврни қамраб олади.

Мазкур даврни дебочаси аслида 2023 йил 30 апрель куни ўтказилган Ўзбекистон Республикаси рефе-

рендумида умумхалқ овоз бериш орқали янги таҳрирда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Конституция билан боғлиқдир.

2023 йил 1 майда «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси тўғрисида»ги ЎРҚ-837-сон Ўзбекистон Республикаси Конституциявий Қонуни қабул қилинганлиги.

Мазкур конституциявий қонун мазмуни ва янгиликларини жорий қилиш мақсадида 2023 йил 18 декабрда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига сайлов ва референдум ўтказиш тартибини янада такомиллаштиришга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-883-сон Қонуни қабул қилинди. Шунга кўра, мазкур қонун Янги Ўзбекистонда фаол сайлов ислохотларини ўтказиш даврини янги босқичга кўтаришга хизмат қилди.

Мазкур қонунни қабул қилиш зарурати сифатида қонун чиқарувчи қуйидагиларни кўрсатиб ўтган: “парламент ҳамда маҳаллий вакиллик органларининг фаолиятида сиёсий партияларнинг ролини янада кенгайтириш, вакиллик органларига сайланган депутатлар ва сенаторларнинг парламент ҳамда маҳаллий вакиллик органлари фаолиятидаги масъулияти ва фаоллигини ошириш, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси фаолиятини такомиллаштириш ҳамда унинг самарадорлигини ошириш, сайлов комиссиялари тизимини мақбуллаштириш ва марказлашган сайлов органлари тизимини шакллантириш, уларнинг профессионал тайёргарлиги оширилишини таъминлаш зарурияти юзага келмоқда”.

Ушбу қонун билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қуйидагиларни:

Биринчи, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари сайловини аралаш сайлов тизими (мажоритар ва пропорционал) асосида ўтказишни;

Иккинчи, сайлов органларининг марказлашган тизимини шакллантиришни;

Учинчи, сайлов комиссиялари тизимини мақбуллаштириш, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси фаолиятини такомиллаштиришни;

Тўртинчи, сиёсий партиялар томонидан депутатликка номзодлар кўрсатилаётганда аёллар сонининг энг кам миқдорини номзодлар умумий сонининг ўттиз фоизидан қирқ фоизга оширишни назарда тутувчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган.

Энди ушбу қонун билан сайлов қонунчилигига киритилаётган энг муҳим ўзгартишларни асосий жиҳатларига эътибор қаратсак.

Ушбу қонун билан киритилган ўзгаришларга асосан эндиликда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари сайлови аралаш сайлов тизими (мажоритар ва пропорционал) асосида ўтказилади.

Сайлов кодексига киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларга мувофиқ, Қонунчилик палатаси депутатларининг 50 фоизи, яъни 75 нафари одатдагидек мажоритар сайлов тизимига мувофиқ бир мандатли

сайлов округларидан сайланиши, қолган 50 фоизи, яъни 75 нафари пропорционал сайлов тизими асосида ягона сайлов округида партиялар томонидан кўрсатилган депутатликка номзодлар рўйхати (партия рўйхати) бўйича сайланиши белгиланди.

Хорижий давлатлар сайлов қонунчилиги ва амалиётига эътибор қаратилса, Жанубий Корея, Япония, Германия, Мексика, Россия, Тожикистон, Қозоғистон, Қирғизистон каби давлатлар парламентлари аралаш сайлов тизими бўйича шаклланишини кўриш мумкин.

Ўзбекистонда пропорционал сайлов тизимининг жорий этилиши, сиёсий партияларнинг сайловчилар олдидаги масъулиятини камида икки ҳисса ортиради. Аввало, ҳар бир сиёсий партия мамлакат бутун худуди бўйлаб тузиладиган Қонунчилик палатасининг етмиш бешта бир мандатли округлари бўйича можаритар сайлов тизими бўйича ўтказиладиган сайловларда имкон қадар кўпроқ депутатлик ўринларини қўлга киритиш учун рақобатга киришади. Бунда сайловчилар бевосита номзодга овоз берадилар.

Иккинчидан, пропорционал тизим бўйича ўтказиладиган сайловда Қонунчилик палатасининг қолган етмиш бешта депутатлик ўрни учун ҳам рақобатга киришадилар. Бунда сайловчилар бевосита номзодга эмас, балки депутатликка номзодларнинг рўйхатини тақдим этган сиёсий партияга овоз беради. Юқорида қайд этилганидек, ўз навбатида ушбу сайловда иштирок этган сайловчиларнинг етти фоизи ва ундан кўпроқ овозни тўплаган сиёсий партиялар, ўзлари тўплаган овозлар фоизига мутаносиб равишда депутатлик ўринларини қўлга киритадилар.

Ушбу қонун билан марказлашган сайлов комиссияларининг вертикал тизими жорий этилиши натижасида, сайлов комиссиялари ва бошқа ташкилотчилар томонидан келгусида барча босқичдаги сайловларни ташкил этиш ва ўтказишда миллий сайлов қонунчилигининг бир хилда қўлланилиши ва демократик сайлов стандартларига асосланган ягона сайлов амалиёти шаклланишида ижобий натижа беради.

Мазкур тизимни жорий қилиш механизми ҳали миллий қонунчиликда тўлиқ белгиланмаган. Бугунги кунда пропорционал сайловларда иштирок этаётганда, номзодлар қай тартибда сараланади ҳамда рўйхат шакллантирилади деган савол очиқ қолмоқда.

Бизнингча, ушбу масалалар қонунчиликда тартибга солилмаган, тартибга солиш ҳам мақсадга мувофиқ эмас, чунки ушбу жараёнларга давлат органларини аралашуви ёки таъсири сиёсий партияларни ички ишига аралашуш ҳисобланади. Лекин бу масалалар ҳар бир сиёсий партиянинг ички ҳужжатларида ўз аксини топиши керак ва уларнинг қурултойи қарори билан тасдиқланиши зарур. Энг муҳим масала, пропорционал сайлов учун сиёсий партия томонидан тузилган рўйхатга сайлов бошлангидан сўнг ўзгартиришга рухсат бермасликка оид қатъий қоида Сайлов кодексига ўз аксини топиши мақсадга мувофиқ саналади.

Яна бир янги норма – Марказий сайлов комиссияси доимий асосда фаолият юритувчи тўққиз нафар аъзо-

дан иборат таркибда фаолият юритиши белгиланмоқда. Бу ўз навбатида Марказий сайлов комиссиясининг жамоатчилик асосида фаолият юритувчи аъзолари институтининг тугатилиши ва марказлашган сайлов комиссияларининг вертикал тизими жорий этилишига хизмат қилади.

Ушбу ўзгартиш ва қўшимчалар Марказий сайлов комиссияси фаолиятининг профессионаллик даражаси янада юксалишига, тўлиқ мустақиллигининг таъминланишига, комиссия аъзолари ўртасида вазибаларнинг унумли тақсимланишига, пировард натижада, Комиссия фаолиятининг самарадорлиги ортишига ҳамда қабул қилинадиган қарорларининг янада мукамал бўлишига хизмат қилади.

Қонунчиликдаги яна бир муҳим ўзгартиш бу сайловларда гендер тенглигини таъминлаш масаласидир.

Сайлов кодексининг 70-моддасига киритилган ўзгартиш ва қўшимчага кўра аёлларнинг сони бир мандатли сайлов округлари бўйича, шунингдек партия рўйхати асосида сиёсий партиядан кўрсатилган депутатликка номзодлар сонининг камида қирқ фоизини ташкил этиши керак. Бунда партия рўйхатидаги кетмакетликда камида ҳар беш нафар номзоднинг икки нафари аёл киши бўлиши лозим.

Сайлов кодексига партия рўйхатига киритиладиган номзодлар рўйхатини шакллантиришда аёллар учун квотанинг белгиланиши, мамлакатимизда амалга оширилаётган гендер тенгликни таъминлаш ва хотин-қизлар учун қўшимча шароит ва имкониятлар яратиш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар мақсадига тўла мос келади.

III. Хулоса

Ўзбекистонда сайлов жараёни иштирокчилари ҳуқуқий мақомига оид қонунчиликнинг шаклланиши ва ривожланиш босқичлари таҳлили асосида қайд этиш зарурки, ўтган давр мобайнида мамлакатимизда фуқароларнинг сиёсий жараёнларда, давлат ва жамиятни бошқаришда иштирок этишининг ҳуқуқий асослари ва механизмлари изчил такомиллаштириб борилмоқда.

Кўриниб турибдики, Ўзбекистонда сайловлар нафақат фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқларини таъминлаш балки, давлат ҳокимиятини шакллантиришнинг бирламчи омилига айланишга улгурди. Шу нуқтаи назардан қараганда, сайловларнинг аҳамияти ва роли миллий олимларнинг назарий қарашларида ҳам намоён бўлиб бормоқда.

Хулоса ўрнида таъкидлаш лозимки, демократиянинг энг муҳим элементларидан бири бўлган сайлов институти бўйича мамлакатимиз сайлов қонунчилиги халқаро стандартларга мувофиқ ишлаб чиқилган бўлиб, фуқароларнинг давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлаш ва сайланиш ҳуқуқини таъминлашга хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. https://uza.uz/uz/posts/prezident-qanchalik-qiyin-va-murakkab-bolmasin-demokratik-islohotlar-yolidan-hech-qachon-ortga-qaytmaymiz_198445

2. Якубов Ш.У. Ўзбекистон Республикасининг сайлов тизими ва миллий сайлов қонунчилиги. – Т., 2016, 16 – 21-бетлар.

3. Абдурахманов Х.А. Мамлакатда демократик ислохотларни чуқурлаштириш шароитида сайлов қонунчилигини такомиллаштириш. Юрид. фан. фал.д-ри ... дисс. – Т., 2018., 34 – 42-бетлар.

4. Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 26 декабрда қабул қилинган “Сиёсий партиялар тўғрисида”ги қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. – 1997. – № 2. – 36-модда.

5. Турғунов О. Сайлов тизими ҳуқуқий асосларини ривожланиши ва такомиллашуви. Монография / О.Турғунов. – Lesson press. 2020 й. – 204 б.

6. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 й., 4-5-сон, 60-модда.

7. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 й., 12-сон, 215-модда.

8. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 й., 12-сон, 213-модда

9. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 й., 3-4-сон, 27-модда.

10. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003. – № 9–10. – 132-модда.

11. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. –2002. – № 12. – 213-модда.

12. Ўзбекистон Республикасининг “Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида”ги қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. – 2004. – № 5. – 86-модда.

13. Одилқориев Ҳ.Т., Тультеев И.Т. Икки палатали парламент. - Т., 2005. □Б. 210.;

14. Одилқорисв Ҳ.Т. Якубов Ш.У. Мустақил Ўзбекистонда сайлов қонунчилигининг ривожини ва истиқболлари.//Демократик сайловлар ўтказишнинг халқаро стандартлари ва Ўзбекистон сайлов қонунчилиги: Халқаро конференция материаллари. - Т.: ТДҶОИ, 2009. □Б.8-140.

15. https://www.osce.org/files/f/documents/a/c/45279_1.pdf

16. 2020 йил 28 октябрдаги Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг “Сайлов – 2019: ютуқлар, муаммолар, тақлифлар” якуний ахбороти тўғрисида 1040-сон қарори // https://saylov.uz/public/uz/cec_decision/1040-zbekiston-respublikasi-markazij-sajlov-komissiyasining-sajlov-2019-yutu-lar-muammolar-takliflar-yakunij-ahboroti-t-risida

17. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 19.12.2023 й., 03/23/883/0949-сон.

18. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 19.12.2023 й., 03/23/883/0949-сон

19. https://uza.uz/ru/posts/saylov-qonunchiligidagi-yangiliklar-davr-taqozosi-zamon-talabi_530156?q=%2Fposts%2Fsaylov-qonunchiligidagi-yangiliklar-davr-taqozosi-zamon-talabi_530156